

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Баҳоси келишилган нархда

№ 1 (14,156) 11 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА 2024 ЙИЛ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



@toshkand.uz



@toshkandUz



@toshkandUz



@toshkandUz



@toshkandUz

Болаларга мўлжалланган носоғлом озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергетиклар рекламасига чеклов кучайтирилади

“Аҳоли саломатлиги–2030” миллий стратегияси лойиҳасининг 2024-2026 йилларга мўлжалланган амалий тадбирлар режасига кўра, мактабгача ва мактаб таълим тизимида соғлом овқатланишни таъминлаш, болалар орасида семизликни 30 фоизгача қисқартириш мақсадида носоғлом озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар, дори воситалари, биологик фаол моддалар рекламасига талаб ва чекловлар кучайтирилади.

Шунингдек, таълим муассасаларида болалар ва ёшлар учун тавсия этилмайдиган маҳсулотлар, шу жумладан, таркибида шакар, туз, трансёғлар миқдори юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, таъм ва ранг берувчи қўшимчалар рўйхатини тасдиқлаш ва уларнинг истеъмолини камайтириш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ёши, тана тузилиши, турмуш тарзи ва касалликларга мойиллигидан келиб чиқиб, болалар учун тўғри овқатланиш, жисмоний машқлар ва гигиена қоидалари бўйича тавсиялар тўпламини яратиш мўлжалланган.



АНОНС



МИЛЛАТИМИЗ ҚАДРИНИ
БЕЛГИЛАЙДИГАН
ОМИЛЛАР



ОЛИЙ ТАЪЛИМ:
ТАРТИБ ВА ЎЗГАРИШЛАР



ЮЛДУЗ УСМОНОВА
СЎНГГИ КОНЦЕРТИНИ
БЕРАДИ...МИ?

2024 йил

ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ Қўллаб-қувватлаш йили

Юртимиз барча соҳада тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Мана шундай шуқуҳли дамларда Янги Ўзбекистон тарихига олтин саҳифа бўлиб кирган 2023 йилга назар ташласак, қўллаб-қувватлаш йили катта ўзгаришлар амалга оширилгани яққол намоён бўлади.

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, тарихимизда биринчи марта умумхалқ референдуми асосида янгиланган Конституциямизни қабул қилдик. Келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган “Ўзбекистон–2030” стратегиясини амалга оширишни

бошладик. Инсон қадрини улуғлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва бунинг учун иқтисодий юксалтириш давлат сиёсатининг асосий йўналишидир. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари 2024 йилни – “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб номлашни таклиф қилди. Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу ғоявий йўналиш асосида келгуси йилда тадбиркорлик учун имкониятлар янада кенгайди. Илм-фан, инновация, IT каби соҳаларни, яшил ва рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Янги ҳаётни, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотлар изчил давом эттирилади.



**Кутбиддин Бурҳонов,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва
хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:**

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромоновични Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табриги мамлакатимизда яшаётган миллати, динидан қатъий назар барча аҳолини руҳлантириб юборди. Давлат раҳбари халқнинг олдида чиқиб гапириши бу – ўта масъулиятли вазифа. Биласиз, Янги йилни кутиб олиш ёш авлоддан бошлаб, кексаларимизга қадар хурсандчилик билан интиқиб кутиб олинадиган вақт. Чунки, йил якунланаяпти, Янги йил бошланаяпти. Ўтган йилларга якун ясаб, келажакка режалар қилинадиган вақт. Шунинг учун ҳам юртбошимиз чиқиб, ўтган йилни сарҳисоб қилди. Мен оддий халқнинг ичида юрганам, кўрганам, билганлигим учун айтаяпман, мана шу кунлар ичида жуда кўп жойларда Президент табригининг муҳокамалари бўлаяпти. Президент аниқ қилинган ҳаракатлар натижасида бўлган ишларни ва Ўзбекистонни бутун дунё танитаётганини гапириб ўтди. Мана биринчидан, шу мурожаатнинг бошидан ҳам “Ҳурматли, азиз отахону онахонлар, опа-сингиллар

ёшлар”, деб қилган мурожаатининг ўзи халқнинг кўнглини кўтарди. Чунки, биринчи навбатда “отахон, онахон”, деб улуғ инсонларимизга эътибор бериб, улар билан ишни бошлашлик бу – хайрли бўлишлигини ҳаммамиз яхши биламиз ва бу ўзбек миллатимизга хос фазилатлардан биридир. Шу билан бирга ёшларга қилган мурожаати ва шу мурожаатнинг бошида чет “элдаги ватандошларимизга”, деган сўзни ишлатиб, уларга мурожаат қилаётгани, менимча, бу Янги йил табригида биринчи мартаба тилга олинапти. Бундан аввал ҳеч қачон чет эл фуқаролигини олиб, хорижда яшаётган бизнинг ватандошимиз бўлганларга бундай мурожаат қилинмаган эди. Ана шунинг ўзи билан ҳам бу табрик-мурожаат самимий эканлиги, юракдан чиқётган гаплар эканлигини халқимиз кўриб, билиб ҳавас қилди.

Президентимиз айтганларидек, ҳаёт фақат қувончдангина иборат эмас, ўзига яраша ташвиш ва муаммолар ҳам бўлади. Шунинг қандай қилиб босиб ўтганлиги ва келажакда ҳам қандай қилиб ютуқларга эришиб, халқимизнинг турмушини, шароитини, манфаатини биринчи навбатга қўйиб кераклигига тўхталиб ўтди. Бу албатта, жуда яхши бир ибратли, ўрганадиган ҳолат бўлди.

Президентимизнинг нутқини ҳар бир соҳа бўйича сарлавҳа қилиб ёритсангиз бўлади-да. Масалан, “Ўзбекистон–2030” стратегияси тўғрисида ҳам қисқа гапирганлари билан, бу жуда катта узоқ муддатга белгиланган режа. Шунинг ўзи амалга ошириладиганлиги, масалан, Ўзбекистон саноатини бутун дунё тан олаётгани бугунги кунда. Илгари биз фақат хом-ашё базаси эдик, ҳатто тонгларга қадар пахта экиш режалаштирилган вақтлар бўлган. Биз шунинг кўзимиз билан кўрган инсонларимиз. Мана ҳозирги вақтда эса, кластерларга, фермерларга берилди. Ўзлари пахтани етиштириб, хом-ашёни Ўзбекистоннинг ўзида тайёр маҳсулот қилиб ишлаб чиқаришяпти.

Энг катта ютугимиз – хом-ашёни сув текин нарҳда хорижга бермасдан, энди ўзимизда ишлаб чиқариб, завод-фабрикаларни хом-ашё билан таъминлаш натижасида Ўзбекистонга жуда катта миқдорда чет эл валютаси кириб келаяпти. Бу эса Ўзбекистон халқининг яшаш шароити яхшиланаяпти, фаровонлиги ошяпти, деганидир.

Бугун 5-6 йил илгари бошланган ишларнинг натижалари кўрина бошланди. Ўзбекистонда бўлаётган ишларни бутун дунёдаги аксарият ривожланган давлат ва ривожланаётган давлатлар ҳам эътироф этишяпти. “Биринчи навбатда биз инсон манфаатларини қўямиз. Инсон манфаатидан кейин жамият, ана ундан кейин давлат манфаати туради”, деган гаплари бу бизнинг қон-қонимизга сингиб кетди. Сабаби, бу амалда бажарила бошланди. Инсон манфаатлари бўйича жуда катта ишлар қилинганлиги натижасида айнан шунинг асос қилиб туриб, Ўзбекистонга инвестициялар кела бошлади. Уни яққол мисолини оладиган бўлсак, Ўзбекистонни бир неча йилларда бери қийнаб келадиган муаммолардан бири – бу электр энергияси таъминоти эди. Президентимизнинг жуда катта, мардона қилган ҳаракатлари натижасида Қуёш электри ва шамол электрларидан Ўзбекистоннинг олтита ҳудудида катта дунё миқёсидаги ишлар амалга оширилиб, электр энергия бера бошлади. Буни халқимиз ҳам кўриб, бевосита гувоҳи бўлиб турибди. Бунинг натижасида минглаб аҳолимиз иш билан таъминланди. Уларнинг ҳаёт даражаси, турмуши яхшиланаяпти, маошлари кўтарилаяпти. Президентимиз яна келаси йилларда ҳам яна қўшимча иш жойларини яратиш мақсадимиз эканлигини ва фуқароларимизни ойлик маошлари янада кўтарилиб бориши ҳақида батафсил гапирди. Президентимиз табригида жуда кенг соҳаларни қамраб олди. Ҳар бир тўхталган соҳасини алоҳида сарлавҳа қилиб фойдаланса бўладиган ҳолатда. 2024 йил – “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб номланди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш бу – келажакка пойдевор қўйишдир. Бизнесни қўллаб-қувватлаш эса бу – мамлакатнинг иқтисодий қон-томирини таъминлаш, деган гап деб тушунаман. Чунки, томирларда қон айланар экан, ҳаракат тўхтамайди. Бу тизимни ишлатиш учун эса ёш мутахассислар керак. Шунинг учун ҳам 2024 йилни “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб номланиши бугунги кунда халқнинг хоҳишига, иродасига, розилигига тўғри келадиган таклиф бўлди. Ўйлайманки, мана шу 2024 йил ёшларимиз ва иқтисодий таъминотимизнинг ривожланиш йили бўлади.



**Мавжуда Ҳасанова,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ХДП фракцияси аъзоси:**

– Табрикда юртбошимиз 2023 йилда амалга оширилган ишлар билан баробарда Янги кириб келган 2024 йилда диққат-эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлган вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

2023 йилда мактаблар, боғчалар қурилганлиги, ижтимоий соҳага алоҳида эътибор берилганлиги, янгиланган Конституция умумхалқ референдуми асосида қабул қилинганлиги ва шу билан биргаликда эса тараққиётимизни белгилаб бераётган “Ўзбекистон–2030” стратегиясини қабул қилганлигимиз ва бунда эса мана шу 2030 йилгача бўлган ислохотларимизни қамраб олинганлиги ва шу баробарида 2024 йилда ҳам муҳим бўлган вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Биламизки, янгиланган Конституцияда ижтимоий соҳага, яъни инсонларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаши алоҳида норма сифатида киритилган. Давлатимиз раҳбари мана шу 2024 йилда ҳам янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилиши ҳақида тўхталиб ўтдилар. Табрикда давлатимиз раҳбари 2024 йилни “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб номлаш таклифини илгари сурди. Келажакимиз ворислари бўлган ёшларга алоҳида урғу қаратиладигани, улар учун замонавий мактаблар барпо этилиб, замонавий касбларга ўқитиладигани ёшларнинг ақл-заковатли бўлиб етишишларига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, табрикда давлатимиз раҳбари инвестиция, айниқса, ташқи инвестицияни жалб қилиш, яшил энергия тизими ҳамда IT-соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Умуман, мана шу 2024 йилда мамлакат тараққиёти учун мисли кўрилмаган ислохотларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда ва албатта буларнинг барчаси халқимизнинг яхши яшаш ва турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шоҳида АБЗАЛОВА тайёрлади



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158 сонли “Ўзбекистон–2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармонида биноан қабул қилинган ушбу стратегия ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш ва таъминлаш мақсадида қабул қилинганлиги билан аҳамиятлидир.

“Ўзбекистон–2030” стратегияси 5 та йўналиш ва 100 та мақсад доирасида амалга оширилиши белгиланди.

Стратегиянинг 1-йўналиши 2-банди аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича ислохотларни ўзида мужассам этган бўлиб, 9 та мақсадни яъни 13-21-мақсадларни қамраб олган.

Стратегиянинг мазмун-моҳияти, халқимиз тиббий ҳаётида тутган муҳим ўрни ҳақида **44-сон оилавий поликлиника бош шифокори Муқаддас Раҳматиллаева** ўз фикрларини билдириб ўтди.



“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ: АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ

Стратегиянинг 13-мақсади: АҲОЛИНИНГ ЎРТАЧА УМР КЎРИШ ДАВОМИЙЛИГИНИ ОШИРИШ:

2022 йилнинг январь ойида аҳолининг ўртача умр кўриши 73,8ни ташкил қилган бўлса, стратегияга биноан 78 ёшга етказиш кўзда тутилган.

Тиббиётга йўналтириладиган маблағлар ҳажмини 2 баробарга оширилиши аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматнинг ҳам сифати, ҳам самарадорлигини оширишга хизмат қилади, албатта.

Аҳоли орасида бугунги кунда онкологик, юрак қон-томир касалликлари, диабет ва нафас йўллари касалликлари бўйича эрта ўлимни 2,5 баробарга камайтириш, яъни оилавий поликлиникаларда касалликларни эрта аниқлаш, эрта ўлим ҳолатларини камайтириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 40 ёшдан ошган аҳоли орасида ўтказилаётган скрининг текширувлари юрак қон-томир касалликлари ва қандли диабет касаллиги ҳамда углевод алмашинувининг бузилишини, 35-55 ёшдаги аёлларда бачадон бўйни саратони, 45-65 ёшдаги аёллар орасида эса сут бези саратони каби онкологик касалликларни эрта аниқлаш, каби амалга оширилаётган ишлар юқорида қайд этилганларнинг яққол исботи ҳисобланади.

Сил касаллиги билан касалланиш даражасини 100 минг аҳолига нисбатан ҳозирги 34 нафардан кескин камайтириш, яъни соғлом аҳолини 2 йилда бир маротаба, шифокор кўрсатмасига биноан эса кечиктирмасдан флюорографик текширувларни ўтказилиши орқали аҳоли орасида сил касаллигини эрта аниқлашга эришилади.

14-мақсад: АҲОЛИГА БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ХИЗМАТЛАРНИ ЯНАДА ЯҚИНЛАШТИРИШ:

350 минг нафар диабет ва 1,5 миллион ЮҚТК бор беморларни даволаш билан тўлиқ қамраб олиш, яъни аҳолига давлат томонидан қафолатланган ҳажм доирасида тиббий хизматларни амалга ошириш ва дори воситалари билан бепул таъминлаш.

Тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг 70 фоиз мурожаатларини бирламчи бўғиннинг ўзида ҳал этишга эришиш, бунинг учун бирламчи бўғинда фаолият олиб бораётган “тиббий бригадалар” аъзолари (оилашифокори, амалиётчи ҳамшира, патронаж ҳамширалари ва доя) томонидан энг аввало олиб борилаётган профилактик тадбирларни янада кучайтириш, фуқароларни ўз саломатликларига масъуллик даражаларини ошириш, ташкил этилаётган тиббий кўриклардан аҳолини тўлиқ ва ўз вақтида ўтишларини таъминлаш орқали касалликларни эрта аниқлашга эришиш.

Республикада гемодиализ ўрин жойлари билан беморларни тўлиқ қамраб олиш.

15-мақсад: БОЛАЛАР ЎРТАСИДА ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ:

Болалар ўртасидаги ирсий касалликларни 2 баробарга қисқартириш, бу борада юртимизда оналар ва болалар саломатлигини асраш, ирсий ва туғма касалликларни барвақт аниқлаш, болалиқдан ногиронликнинг олдини олиш ва камайтириш скрининг хизмати орқали амалга оширилмоқда.

Республика она ва бола Скрининг марказида 2011 йилдан бошлаб чақалоқлар ва илк ёшдаги болаларда моддалар алмашинувининг 15 турдаги ирсий касалликларига селектив скрининг текширувлари ўтказиб келинмоқда.

Туғма ва ирсий касалликларнинг, қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг, эрта никоҳ ва эрта туғруқларнинг олдини олиш, айниқса зарарли одатларнинг салбий оқибатлари ҳақида олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтириш, қизлар ва туғиш ёшидаги аёлларни ўз вақтида соғломлаштириш ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳомилдорликнинг дастлабки уч ойида аёлларни марказий кўп тармоқли туман (шаҳар) поликлиникаларида туғишдан олдин оммавий равишда текшириш, ҳомилда туғма ва ирсий касалликлар профилактикаси ва барвақт ташхис қўйиш чора-тадбирларини такомиллаштириш, шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмаларининг марказий кўп тармоқли поликлиникаларида ҳомилдор аёлларнинг туғишидан олдин оммавий ультратовуш текширувидан ўтказиш, скрининг марказларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ва амалий соғлиқни сақлашга замонавий жаҳон тажрибасини жорий этган ҳолда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда.

«Ўзбекистон–2030» стратегиясида чақалоқларда ирсий касалликлар бўйича селектив скрининг текширувлар қамровини камида 50 фоизга ошириш ҳам кўзда тутилган. Бу борада олиб борилаётган ишлар янада жаддалаштирилади.

16-мақсад: ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЎЛИМИНИ ҚИСҚАРТИРИШ, СОҒЛОМ БОЛАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ:

Ҳомилдорлик аниқланган вақтдан бошлаб туғруқдан сўнг 42 кун ичида аёллар, гўдақлар ва 5 ёшгача болалар орасидаги ўлимни 2 баробарга камайтириш, яъни бирламчи бўғинда фаолият олиб бораётган “Тиббий бригадалар” томонидан чақалоқларни она сути билан боқишни тарғиб қилиш, патронажнинг универсал-прогрессив модели бўйича иш олиб бориш (“Патронаж хизматининг янги модели нафақат касаллик ва тиббий муаммоларни аниқлашга, балки тиббий-ижтимоий, маърифий ва бошқа соғлиқни сақлаш тадбирлари тўпламини сифатли амалга оширишга ҳам эътиборни қаратади”) орқали ижобий натижаларга эришишни ўз олдларига мақсад қилган ҳолда фаолият олиб боришмоқда.

6-23 ойлик болаларни микронутриент кукуни, 2-10 ёшдаги болаларни гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар, 3-15 ёшдаги болаларни йод препарати, 15-35 ёшдаги хотин-қизларни поливитамин, темир, ва фолий кислотаси билан бепул таъминлаш ишлари давом эттирилади.

Болалар орасидаги юқумли ва юқумсиз касалликларни 20 фоизга қисқартиришга эришиш.

Юқоридагилардан ташқари «Ўзбекистон–2030» стратегиясида онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш (17-мақсад), юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш (18-мақсад), соғлом ва фаол кексаликни таъминлаш (19-мақсад), аҳоли орасида туғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш (20-мақсад), тиббиёт соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, тиббиёт муассасаларини рақамлаштиришни 100 фоизга етказиш (21-мақсад) масалалари бўйича кўрсаткичлар ҳам ўрин олган.

Юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсати даражасида эканлиги, бу борада амалга оширилаётган барча ислохотлар инсон ва унинг ҳаётини фаровон қилишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга!

МИЛЛАТИМИЗ ҚАДРИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН ОМИЛЛАР



Президентимиз иштирокида 2023 йилнинг 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда маънавият, маърифат, маданият, санъат ва ижод соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси билан бирга, давлат тилини янада ривожлантириш ва бу борадаги ислохотларни кучайтириш масаласига ҳам алоҳида тўхтаб ўтилди.

Президентимиз давлат тили масаласини Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида кўтариши, албатта, бежиз эмас, чунки тил ва маънавиятни айро тасаввур этиб бўлмайди. Жамиятда миллий қадриятлар шаклланиши, маънавиятнинг юксалиб бориши бевосита тил билан боғлиқ.

Шу маънода, давлат раҳбари ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилишини айтиб, “Ўзбек тили ва адабиёти” фани ўқитувчиларига ҳам халқаро сертификатга эга бўлган бошқа фан ўқитувчиларидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча ҳақ тўлаши адолатдан бўлишини алоҳида таъкидлади.

Она тилимизнинг ҳар томонлама ривожланиши, уни жамиятнинг барча соҳаларида ҳақиқий давлат тили мақомига эришиши учун давлат раҳбари бу масалага жиддий эътибор қаратаётган экан, халқимизни барча зиёли қатлами, катта-ю, кичик бефарқ бўлмаслиги керак. Зеро, юртбошимиз айтганидек, “...ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим. Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоеън этишимиз керак”.

Мазкур тадбирдан сўнг Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар ва туман ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, “Давлат тили тўғрисида”ги қонун ҳужжатларида иш юритилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчилари, Республика Маънавият ва маърифат марказининг Тошкент шаҳар ва туман бўлимлари масъуллари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, 2023 йил давомида ўзбек тилини давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини оширишга қаратилган ва олиб борилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар, уларни бартараф этиш масалалари муҳокама қилиниб, шунингдек, бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда 2024 йилга мўлжалланган режалар кўриб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги “Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 61-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур чора-тадбирлар дастури бандларининг ижросини назорат қилиш мақсадида ҳар ҳафтада ҳокимлик тизимида режа-топшириқ баёни қабул қилиниб, давлат тили масалалари бўйича туман ҳокимликлари, бош бошқарма, бошқарма ва ташкилотларда амалга оширилиши лозим бўлган топшириқлар белгиланади, ҳафта охирида эса ижронинг ҳисоботи тақдим этилади. Яъни, ҳар ойда туман ҳокимларининг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси давлат тили устуворлигини таъминлашга қаратилган юзасидан жойларда олиб борилаётган ишлар муҳокама қилиб борилади.

2021–2023 йиллар оралиғида барча туман ҳокимликларида, шунингдек, корхона, ташкилот ва идораларда давлат тили ва лотин алифбосида ишлаш тизимини йўлга қўйиш кўзда тутилган эди. Шунингдек, ходимларни лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида ишлаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган ўқув курсларига жалб этиш, ҳокимлик биноларидаги барча эълон, ахборот ва ташқи ёзувларни қарор талабидан келиб чиққан ҳолда, ижросини таъминлаш ишлари тегишли масъуллар назорати остида амалга оширилди. Шу билан бирга, ҳокимлик тизимида иш ҳужжатлари босқичма-босқич лотин ёзувиге ўтказилиши Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори билан мустақамлаб қўйилди ҳамда ҳокимлик расмий сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларидаги маълумот ва ахборотларнинг ўзбек тилидаги матнлари бугунги кунда тўлиқ лотин алифбосида берилиши йўлга қўйилди.

2023 йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида пойтахтимизда қурилаётган ва қурилган кўп қаватли турар-жой мажмуалари, савдо марказлари, турли бошқа иншоотлар паспорти, қурилиш объектлари панжарасига ўрнатилган ва турли баннерларга ёзилган ташқи ёзувлар ҳолати ўрганилди. Ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликлар юзасидан Тошкент шаҳар ва туман ҳокимларининг давлат тили бўйича маслаҳатчилари ва қурилиш бошқармалари вакиллари иштирокида муҳокама қилинди. Бектемир туманида тўртта, Миробод туманида йигирма битта, Олмазор туманида тўққизта, Сергели туманида бешта, Шайхонтоҳур туманида ўн та қурилиш объектларининг лойиҳалари акс этган пештахталар, бино паспорти, реклама ва эълонлари “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мослаштирилди.

Шу билан бирга, пойтахтдаги мавжуд 321 та меҳмонхона, 201 та хостел, 141 та оилавий меҳмон уйларида, 16 та ахборот марказида, 39 та музейда, 22 та истироҳат боғида ва бошқаларда ахборот кўрсаткичлари давлат тилида ва бошқа тилларда бўлишини таъминлаш бўйича тегишли ишлар олиб борилди. Шунингдек, бугунги кунда, ушбу туризм объектларида кўча ва жой номлари, пешлавҳаларда акс этган ахборот кўрсаткичлари давлат тилида ва бошқа тилларда ёзилиши бўйича барча зарурий чоралар кўрилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, автомобиль йўлларида ўрнатилган йўл белгилари ва ахборот кўрсаткичлари ёзувларининг давлат тили қоида ва талабларига мослиги, лотин алифбосида бўлиши ҳамда рўйхатдан ўтказилган номлардан фойдаланилганлиги ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида жами 5583 та автомобиль йўлларида ўрнатилган йўл белгилари ва ахборот кўрсаткичлари, жой номи ёзилган пешлавҳалардан 51 тасида имло хатолари мавжудлиги ва иккита ҳолатда лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида эмаслиги, шунингдек, кўп қаватли уйларга ўрнатилган кўча номларининг 43 тасида эски номлар сақланиб қолаётганлиги аниқланди.

Жумладан, Бектемир туманида Оҳангарон шоссеси, Бектемир шоҳ кўчаси, Тошкент халқа автомобиль йўли кўчаси, Миробод туманида Афросиёб кўчаси, Амир Темур шоҳ кўчаси, Ҳайдар Алиев ва Сарикўл кўчалари, Олмазор туманида Нурафшон шоҳ кўчаси, Беруний кўчаси, Мирзо Ғолиб кўчаси, Катта халқа айланма йўли кўчаси ва Беруний майдони, Шайхонтоҳур туманида Беруний, Фурқат, Нурафшон, Алоқа, Алишер Навоий кўчалари, Хадра майдони, Юнусобод туманида Амир Темур шоҳ кўчаси, Яшнобод туманида Паркент, Маҳтумқули, Фарғона йўли кўчалари ва Оҳангарон шоҳ кўчасида ўрганишлар олиб борилди. Мазкур кўчаларда ўрнатилган йўл белгилари ва ахборот кўрсаткичларида жузъий хатоликлар аниқланиб, асосан “Ў” ва “Ф” ҳарфларидаги илмоқ белгилари нотўғри қўлланган. Сергелида ўрнатилган йирик ахборот кўрсаткичида ҳам шундай хатоликлар билан бир қаторда, ушбу йўл ахборот кўрсаткичларидаги ёзувлар кўриши ва аниқ ўқишга тўсқинлик қилиши ҳамда яроқсиз ҳолатга келганлиги аниқланди. Албатта, хато ва камчиликлар бўйича тегишли масъул ташкилотларга ушбу ҳолатлар бўйича маълумотлар киритилди ҳамда уларни қисқа муддатларда бартараф этиш топшириғи берилди.

Яна бир муҳим йўналишдаги ишларимиздан бири – пойтахтимиздаги номсиз кўчаларни номлаш ва бир ҳудуд доирасида такрорланган ёки қонун ҳужжатлари талабларига зид географик объектларни қайта номлаш, давлат экспертизасидан ўтказиш, тегишли қарорлар қабул қилиш ҳамда Географик объектларнинг номлари давлат реестрига барча жой номларини белгиланган тартибда тўлиқ киритиш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди. Охириги уч йил ичида Тошкент шаҳридаги 2810 та ном давлат реестрига киритилди.

Аҳолининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Рақамли ривожланиш департаменти томонидан Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришда маҳаллий аҳолининг фикрини инобатга олишга мўлжалланган махсус geom.toshkent.uz веб-сайти ишга туширилди. Ушбу веб-сайтнинг биринчи лойиҳаси – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ташаббуси билан geom.toshkent.uz сайтида шаҳар метрополитени ер усти линиясининг “Дўстлик–Кўйлик” ва “Олмазор–Сергели” йўналишларидаги 19 та бекатга ном бериш бўйича пойтахтимиз аҳолисидан таклифлар йиғиш ва кейинги босқичда ушбу таклифлардан Ишчи гуруҳи томонидан танлаб олинган номларни кенг жамоатчилик учун овозга қўйиш ишлари амалга оширилди. Сайтдан ташқари, аҳоли фикри оғзаки равишда, ёзма ва электрон шаклларда ҳам қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент метрополитенининг ер усти йўли бекатларига ном бериш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб ва унда метро бекатлари номлари бўйича ўтказилган овоз бериш натижалари инобатга олинди.

Хусусан, туман комиссиялари томонидан киритилган айрим номсиз географик объектларни номлаш, такрорий ёки қонунчилик талабларига зид бўлган объектлар номларини қайта номлаш, географик жойлашувига аниқлик киритиш мақсадида, яъни 900 дан ортиқ кўчалар бўйича таклифлар берилди ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорлари қабул қилинди.

Бектемир, Мирзо Улуғбек, Сергели, Яшнобод туманлари ҳудудига Тошкент вилоятдан қўшилган такрорий номга эга 28 та маҳалла, Олмазор, Учтепа, Сергели, Чилонзор, Юнусобод, Яшнобод, Янгиҳаёт туманларида такрорий номли 10 та маҳалланинг номлари ўзгартирилди.

Бир ҳудуд доирасида номи такрорланган турдош 49 та кўча қайта номланди ва бугунги кунда такрорий номли объектларни қайта номлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, географик объектлар номларини бир хилда ёзилишини таъминлаш мақсадида, шаҳримиздаги жами 171 та маҳалла номлари шаҳар комиссияси томонидан картографик, архивга оид, статистик, тарихий, маълумотга оид, энциклопедик ва бошқа материаллар асосида атрофлича ўрганилиб, географик объектлар номларининг давлат тилида ёзилиши йўриқномаси асосида нормалаштирилди ва бу бўйича Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2023 йил 27 июлдаги қарори қабул қилинди.

Хуллас, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва туман ҳокимликлари билан бирга, пойтахтимиздаги объектлар эълонлари, ёзувлар ва кўча номларининг тўғри ёзилиши ва давлат тили талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш бўйича белгиланган вазифаларни, албатта ниҳоясига етказамиз.

**Акmal РЎЗИТОЕВ,
Тошкент шаҳар ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси**

ОЛИЙ ТАЪЛИМ:

ТАРТИБ ВА ЎЗГАРИШЛАР

Мамлакатимиз аҳолиси сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бевосита бу мактаблар ва олий таълим муассасаларига бўлган талабни ҳам оширади.

Сўнги 5-6 йил давомида уларнинг сони бир нечтага кўпайди. Республикаимизда бугунги кунга келиб, жами 213 та олий таълим муассасаси фаолият олиб бормоқда. Шундан 116 таси – давлат, 67 таси – нодавлат ҳамда 30 таси – хорижий олийгоҳдир. 2023 йилнинг 20 декабридан бошлаб эса ўқишни кўчириш бўйича аризалар қабул қилинади. Кимларга ўқишни кўчиришига рухсат берилмаслиги ва олий таълимга оид бошқа саволларга **Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги масъул ходими Зафар Амиркуловдан** жавоб олдик.

— Ўқишни кўчиришга бир йилда неча бор ариза қабул қилинади?

— Белгиланган тартибга кўра, олий таълим муассасалари талабаларининг ўқишни кўчириш бўйича аризалар йилда икки марта кўйидагича амалга оширилади:

А) Хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган (жумладан, халқаро тан олинган рейтингларда биринчи 1 000 та ўрндан бирини эгаллаган) олий таълим ташкилотлари ҳамда республикада фаолият юритаётган хорижий ва нодавлат ОТМдан давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош таълим йўналишларига кўчириш ҳар йили 15 июлдан 5 августга қадар амалга оширилади.

Б) Узрли сабабларга кўра, давлат олий таълим муассасасининг бирдан бошқасига талабалар ўқишни кўчириш бўйича аризалар ҳар йили 15 июлдан 5 августга қадар ҳамда ҳар йили 20 декабрдан кейинги йилнинг

20 январига қадар қабул қилинади.

— Қишки “перевод”га кимлар ҳужжат топшириши мумкин?

— Давлат олий таълим муассасасининг бирдан бошқасига талабалар ўқишни кўчиришга фақатгина кўйидаги ҳолатларда рухсат берилади:

- талаба оила қуриши муносабати билан турмуш ўртоғи доимий яшайдиган ҳудуддаги олий таълим муассасасига ўқишни кўчириш учун муурожаат қилганда;
- давлат органларининг ходимлари иш жойи ўзгарган тақдирда унинг турмуш ўртоғи ёки вояга етмаган фарзанди ўқишни кўчириш учун муурожаат қилганда, тегишли вазирлик (идора) раҳбарининг тавсияси асосида.

— Нечинчи босқичга қадар ўқишни кўчириш имконияти мавжуд?

— Тартибга кўра, биринчи курснинг биринчи семестрини тугаллаган ҳамда белгиланган талабларга мувофиқ ўқишни кўчириш истагида бўлган талабалар муурожаат қилиши мумкин.

— Ўқишни ўзгартиришда талаба қайси йўналишларни танлай олади? (Ўзи ўқийдиган йўналишга қай даражада яқин бўлиши керак?)

— Талабалар ўқишни фақат олий таълим муассасаларининг мос (ўзига) ва турдош таълим йўналишларига кўчиришлари мумкин. Ушбу йўналишлар ҳар йили олий таълим, фан ва инновациялар вазири буйруғи билан тасдиқланади. 2023/2024-ўқув йили учун классификаторлар бўйича тасдиқланган турдош таълим йўналишлари рўйхати вазирлик сайтида мавжуд.

— Баъзи ОТМларда 4-босқич талабалари ўқув йилининг биринчи семестридаёқ 100 фоиз контракт пулини тўлашлари айтилмоқда. Бу қанчалик тўғри? Бундай мажбурият юклашга ОТМ ҳақлими?

— Президентимизнинг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 августдаги 527-сон қарорига биноан республика ОТМ талабаларига ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини тенг улушларда тўрт қисмга бўлиш йўли билан ўтказишга рухсат берилган.

Бунда муддатлар кўйидагича: 25 % қисмини — 1-курсга тавсия этилганлар 15 сентябргача, иккинчи ва ундан кейинги босқич талабалари учун 1 октябргача;

50% қисмини — 1 январгача;

75% қисмини — 1 апрелгача;

100% қисмини — 1 июлгача.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, 4-курс талабаларидан дастлаб 100 фоиз тўлов талаб қилиш амалдаги тартибга зид. Улар юқорида кўрсатилган муддатларда тўловни амалга оширишлари мумкин.

— Айни кунда Ҳемис тизимида ўлмаган ОТМ ҳам мавжудми? Мавжуд бўлса қайси сабабга кўра?

— Республикаимиздаги барча олий таълим муассасалари ҳозирда “ҲЕМИС” – Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимида уланган.

— Магистратура босқичи ҳозирда неча йилни ташкил қилади? Қайси йўналишлар учун бир йил-у, қайсилари икки йил?

— Давлат олий таълим муассасаларида магистратура мутахассисликлари давомийлиги икки йил бўлиб, тегишли қарорлар билан Тошкент давлат юридик университетининг айрим магистратура мутахассисликларида ўқиш даври 1 йил этиб белгиланган.

— Қўшни мамлакатларнинг давлат ОТМларида таълим олган фуқароларнинг дипломи мамлакатимизда тан олинадими? Йўқ бўлса қандай ҳолатларда тан олинади мумкин?

— Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига асосан хорижий давлатда 1992 йил 1 январдан кейин олинган таълим тўғрисидаги ҳужжат тан олиш жараёнидан ўтказилганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қонуний кучга эга ҳужжат сифатида тан олинади. Хорижий давлатларда олинган

таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 620-сон қарори билан тасдиқланган “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ҳақида”ги Низом асосида амалга оширилади. Унга кўра хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар Эксперт комиссиясининг хулосасига асосан тўғридан-тўғри (тест синовларисиз) ёки тест синовлари орқали тан олиниши мумкин. Экспертиза талабгор томонидан ўзлаштирилган мутахассислик (ихтисослик) фанлари ҳажми (фанларнинг номи ва соатлар миқдори), ўқитилган таълим дастурлари ёки ўқув режалари ҳажми ва мазмунини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Эксперт комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, 11 иш куни ичида ҳужжатни тан олиш юзасидан хулоса тақдим этилади. Хорижий давлатда касбий маълумот тўғрисида ҳужжат берадиган таълимнинг умумий меъёрий даври Ўзбекистон Республикаси таълим стандартларида назарда тутилган даврдан икки йилдан кам бўлса, бакалаврият бўйича ўқиш муддати уч йилдан кам бўлса ёки Европа таълим тизими асосида ўқиш давомида 240 дан кам кредит тўплаган бўлса, магистратура бўйича ўқиш муддати бир йилдан кам бўлса, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари қўшиб ўқитиладиган таълим дастурлари бўйича таълим олганда умумий ўқиш даври уч йилдан кам бўлса талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатни тан олиш рад этилади. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш кўйидаги ҳолатларда тўғридан-тўғри (синовларисиз) амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоҳида бўлинмалари (филиаллари) ва қўшма таълим муассасалари фаолият юритаётган хорижий таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

Халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингда олий таълим муассасалари орасида биринчи 1000 ўрinni эгаллаган хорижий олий таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

Олий таълимда сифатни кафолатлаш Европа ассоциациясининг (European Association for Quality Assurance in Higher Education) тўлақонли аъзолари — ваколатли ташкилотлар томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;

Америка Қўшма Штатлари, Австралия Иттифоқи, Исроил давлати, Канада, Сингапур Республикаси, Корея Республикаси, Япония давлатларининг ушбу давлатлар ваколатли ташкилотлари томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;

хорижий олий таълим муассасаларида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар.

— Дипломни нострификация қилишда фуқародан қандай ҳужжатлар ва тўловлар талаб қилиниши мумкин?

— Таъкидлаш керакки, хорижий давлатларда таълим олганлик ҳақидаги ҳужжатларни тан олиш учун ҳужжатлар (диплом, унинг иловаси ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги давлат тилига таржима қилинган нотариал нусхаси) Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали онлайн тарзда тақдим этилади. Бунда, нострификациялаш жараёни учун қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши талаб этилмайди. Ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати 11 иш кунини ташкил этади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, 2019 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида таълим, малака ва илмий даражаларни ўзаро тан олиниши бўйича ўзаро ҳукуматлараро битим имзоланган. Унга кўра Россия Федерациясида таълимнинг кундузги шаклида ўқиб олинган ҳужжатлар ўзаро тан олинган ҳисобланши ҳамда Ўзбекистон Республикасида таълим дастурлари бўйича ўқишни давом эттириш ва касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилиши белгиланган. Ҳужжатлари тўғридан-тўғри тан олинган ҳужжатлар тоифасига кирмайдиган талабгорлар ўзи ўқиган таълим йўналиши бўйича мутахассислик фанларидан тест синови топшириш талаб этилади.

— Ҳозирда неча турдаги давлат стипендиялари мавжуд ва уларни қўлга киритиш учун талаба қандай натижаларга эришган бўлиши лозим. Ушбу стипендияларни қўлга киритган талабаларга қандай имтиёзлар берилади?

— Ҳозирда бакалавр, магистр ва докторантлар учун Президент стипендияси ва 11 та номли стипендиялар мавжуд. Жумладан, техника йўналишларида – Беруний, тиббиёт йўналишларида – Ибн Сино, гуманитар йўналишларида – Навоий, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларида – Камолитдин Беҳзод, табиий йўналишларида – Улуғбек, кинематография йўналишида – Худойберган Девоннов, тарих ва география йўналишларида – Бобур, жисмоний тарбия ва спорт йўналишларида – Паҳлавон Маҳмуд, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида – Имом ал-Бухорий, Қорақалпоғистондаги олийгоҳларда – Тўлепберген Қаипбергенов ва Ибройим Юсупов, барча йўналишларида – Ислам Каримов номли давлат стипендияларидан иборат. Ушбу стипендияларга қўйилган талаб ва рағбатлантириш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 226-сон қарори билан тасдиқланган Низомда батафсил берилган.

Миржалол МАҲКАМОВ тайёрлади

Юлдуз Усмонова

СЎНГГИ КОНЦЕРТИНИ БЕРАДИ...МИ?

– Бу йилги концертингиздан қандай қўшиқлар ўрин олган? Ретро қўшиқларингиз ҳам бўладими?

– Аввало мен навбатдаги концертимга катта тайёргарлик кўраётганимни айтмоқчиман. Мақсад мени эшитишга келган барча мазза қилиб, хурсанд бўлиб кетишин.

Тайёрланиш жараёнида мен ҳар бир нарсага – костюмлар, рақосалар, безаклар ва бошқаларга алоҳида эътибор қаратаман. Ҳар бир чиқиш устида алоҳида ишлайман. Қисқача қилиб айтганда, мен қилган ҳар бир иш мукамал бўлишини хоҳлайман ва интиламан. Эски қўшиқ ҳақида гапирадиган бўлсам, ретро қўшиқларга талаб яхши. Янги қўшиқларнинг халққа ёқиши, уни қандай қабул қилишларини анча ўргандим ва барчасини режалаштириб олдим. Хулосаларим натижаси шуки, ретро қўшиқлар керак. Ўйлайманки, халққа жонли тарзда эски қўшиқларимни айтиб беришим бошқача кайфият бағишлайди. Яна бир нарсани айтишим керакки, ҳозирги кунда катта қўшиқларни кўп ёзмайман. Умуман ёзмайман эмас ёзаяпман, 4 та 5 та қўшиқдан кейин бераёпман. Чунки оғир қўшиқларни ҳазм қилиш қийин. Авваллари руҳиятни олиб қочадиган, кучли таъсир қиладиган қўшиқларни кўп айтган эканман. Ҳозирда замонавий, инсонлар қабул қилиши осон қўшиқларни айтишга эътибор қаратганман. Бироқ қанча шу йўналишдаги қўшиқни айтмай, ретро қўшиққа талаб яхши бўлмоқда.

Фонограмма айтиш билан жонли куйлашнинг фарқи тўхталсам, қўшиқни жонли куйласа, инсонлар уни бошқача энергия билан, завқ билан тинглайди. Фонограмма орқали эса бундай завқ олиш қийин. Мен доим жонли куйлашга катта эътибор қаратиб келганман. Шунингдек, ҳар битта қўшиққа жуда кўп энергия сарфланади. Бу катта меҳнатни талаб қилади. Шунинг учун ҳам мен бир нарсани доим таъкидлаб келаман: “Санъат – бу машаққат”. Унда ҳеч ким оч қолиб кетмайди. Фақат ростманасига ўз устида ишлаганлар бошқача ҳурмат ва эътирофга сазовор бўлади.

– Йиллар билан бахшлашадиган асарлар қандай туғилади?

– Бу аввало Яратгандан. Кўнгилга солади! Қўшиқ дастлаб хонанданинг юрагида янграйди. Агар юракка сиғмаса кейин тилларга кўчади. Агар юракдан чиқмаса юракларга етиб бормади. Тўрт қатор сўз, ўғирланган куй билан мухлис орттириш мумкин. Лекин у мухлис қаергача боради, буни вақт кўрсатади. Мени мухлисларим меросдек бўлиб қолган. Бугун мени эшитаётган ёшларни оналари, бувилари менинг қўшиқларимга мухлис бўлган. Кўраёйсизми, юракдан яралган қўшиқлар авлоддан-авлодга қолади. Биз шу халқни санъатини зиммамизга олдикми, шунга мос маъсулият билан ишлашга, ижод қилишга мажбуримиз. Тўртта қўшиқни кўчирволиб, саҳнага чиқиб чиранишдан кўра ўзининг муаллифлик асарларини яратишга ҳаракат қилиш керак. Мен шу ижодим билан халқимга ҳалол хизмат қиладиганимдан миннатдорман.

– Нега альбомингизда янги қўшиқлар мавжуд эмас?

– Биласизми, янги қўшиқни инсонлар қабул қилиши сал қийинроқ. Масалан 1 та программада 24 та қўшиқ бўлса, уни ичидаги янги қўшиқни қабул қилиш қийин. Сабаби, уларга бу қўшиқ янгилик. Куйни танимайди, сўзларини таҳлил қилишга тушиб кетишади. Уларга маълум қўшиқларни эшитиш эса бошқача таъсир қилади. Сухбатимиз давомида шуни айтмоқчиманки, бу сўнги концертим бўлиши мумкин. Бу билан ижодни тўхтаман, демоқчи эмасман. Ижодим тўхтаб қолмайди. Худо хоҳласа 2 йилдан сўнг янги дастур ва янгиликлар билан яна давом эттираман.

Санъаткоримиздан олган интервьюдан сўнг унинг талабчанлиги ва касбига бўлган муҳаббатини кўриб таъсирландик. Ижодий жамоаси билан суҳбатлашганимизда ҳам бунга яна бир бор амин бўлдик.



Юлдуз Усмонова... Бу исми эшитганда хонанданинг биз ёқтирган қўшиқлари ёдимизга кела бошлайди ва беихтиёр ҳиргойи қиламиз.

Фаҳмлаган бўлсангиз керак, бугун биз сизларга Примадоннамиз, халқимиз суйган санъаткор, ўзбек эстрадаси хонандаси, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонованинг концерт олди берган интервьюси ва санъат борасидаги қатор фикрларини тақдим қилмоқчимиз. Аввало, унинг ижодий фаолиятига тўхталиб ўтсак.

Юлдуз Усмонова ижоди хонандалик ва актёрлик санъатининг жўшқинлиги, кўтаринкилик, бадий изланувчанлик, ҳар бир қўшиқ талқинида мусиқа ва саҳна воситаларининг ёрқинлиги билан ажралиб туради. Хонанда 1980-йилларнинг охирида ўзининг “Майда” деб номланган дебют альбомини чиқариш орқали юртимизда шуҳрат қозонган. 1990 йилда Олма отада ўтказилган “Осиё овози” биринчи халқаро танловида 2-ўринни эгаллаган. Шундан сўнг, “Олма-олма” альбомини ёзиб, World Music Charts Europe рейтингига кучли ўнталikka киради. Унинг инглизча-ўзбекча хити бўлган “I wish you were here” қўшиғи Европа мамлакатлари топ-парадларида бир неча бор юқори рейтингни эгаллаган. Шунингдек, у 1999 йилда қиролича Беатрикс иштирок этган Голландия фестивалида чиқиш қилди ҳамда 2002 йилда “Урта Осиё санъат маликаси” унвони билан тақдирланди.



Дилнур МАМАСАФӨЕВА тайёрлади

“ДАДА”

ДЕЙИШСА

ДАҲШАТГА ТУШАМАН!

...Чўчиб уйғониб кетдим. Атрофга секин назар солдим. Қўшни хонадаги жанжал-тўполонга ўрганиб қолган бўлсам-да, кўркув фариштаси юрагим билан дўстлашиб олган эди.

Парда ортида ҳали ёруғлик кўринмайди, демак тонг отмаган. Саҳарда барча мусулмон эркаклар яхши ният билан туриб, таҳорат олиб, масжидда намоз ўқишса, менинг дадам сўкишларни тасбеҳ ўгиргандек айтар, ярим тунда оёқда тура олмас даражада маст ҳолда келиб, онам билан жанжаллашарди. Кўчадаги дўстларига тазийқ ўтказиб кўрган шекилли, кўзлари кўкарган, юзи тирналган, уриб ариққа итариб юборишганми, ё кетаётди, ўзи думалаб кетганми, билмадим, уст-боши лой, аламини онамдан оларди. Халқимиз бежизга “Кўрқоқ эркак аёл кишига кўл кўтаради”, деб айтмас экан. Мана, ўз кўзим билан ҳар доимгидек исботини кўрдим. Оғзидан боди кириб, шоди чиқиб, сўкишларига «гўзал» урғу бераётган дадамнинг тил бойлигидаги сўзлари тугаб қолди назаримда онамни бўға бошлади. Онамни ўлдириб қўйишидан кўрқиб, чинқириб юбордим. Кўлимдан ҳеч нарса келмас, девор ортига беркиниб йиғлай олардим, холос. Яхши ҳам опам бор. У ҳам кўрқанидан қўли қалтираб, тиши қирсиллаб бурчакда турган эди. Отамдан нафратлиб, уни бор зарб билан итариб юборди. Дадам оёғида чайқала-чайқала кроватнинг темирига бошини уриб йиқилди. Ўз қизи кўл кўтарганидан жаҳл отига минди шекилли, топча устида турган чойнакни олиб, опамга қарата олди. Чойнак мен беркиниб олган девор ортига теги. Юрагим шувуллаб кетди. Энди унинг овози ортиқча эди. Ҳамма ер бир зум жимиб қолди. Секин хонага қарадим. Чойнак синиқлари ерда ётар, деворда совиб қолган чойнинг шамалари ва доғи қолибди. Ҳазаб отига минган отам аёллардек қарғана кетди. Хонадан қочиб чиқишга улгурган онам ва опам мени чала-чулла кийинтириб, олиб кетишди. Ташқарида қаҳратон совуқ. Қиш эрта келди. Ноябрь охирламай кечаси билан ёққан қорнинг ҳали ҳам майда-майда қировлари шамол оқимига қарши боролмай айланиб-айланиб ерга тушади. Онам мактабда катта синфларга дарс беради. Ҳалол луқма топиб, бизни ва дадамни боқади. Опам ўша мактабнинг юқори синфида ўқир, мен эса ўша йили 1-синфга чиққан эдим. Ёшим ҳали тўғри келмас-да, онам уйда ўтиришимни хохламади. Боғчага эса ҳар ой тўлов қилиш учун маблағ етмасди. Ҳар маош олганда эр аёлнинг пулини ўғирлаб кетаверса, ўзи ишламагани етмагандек, фарзандларнинг насибасини ҳам ароққа алмашса, бояқиш онам қаердан ҳам тўларди. Олти ёшли қизалоқ мактабдаги синфдошларига кулги бўлаверганидан безиб, ўқишга боргим ҳам келмасди. Устимда кам таъминланганларга берилган, опамга лойиқ, қизил жемпер, оёғимда дугоналарим кулиб айтганидек, “қорни очқанган” этик. Синфдош қизларнинг оёқ кийимларига ҳавас билан қарардим. Янги, қизил, сариқ гуллар, нақшлар билан безалган, юрганида тақ-тақ қиладиган пошнали этикларини бир-бирига кўз-кўз қилганида уларни жимгина кузатардим. Совуқданми, уйдаги жанжалданми, билмадим, дағ-дағ қалтирардим. Онам кўлимни маҳкам ушлаб кетар экан, менга бир-бир назар солиб кўяр, буларнинг барига ўзини айбдордек, гуноҳкордек ҳис қилиб йиғлаб кетарди. Мактабга ҳам етиб келдик. Ойим мени опамга топширдида, ўзи қаергадир ўқитувчилар мажлисими, малака ошириш дермиди, билмадим шошиб кетди. Опам мени синфга киргизиб, ўзи дарсга югурди. Шу синфдошларимни ўлгудай ёмон кўрардим, хонага киришим билан нафасим сиқилиб, хона торая бошларди. Чироқлар қанча кўп бўлмасин, ташқаридаги об-ҳаво хонага ҳам бевосита таъсир қилар, кайфиятни янада тушкунлаштирарди. Ҳеч қаерга қарамай тўғри орқа қаторга юриб бордим. Қий-чув овози бутун қаватга ёйилган синфнинг киришим билан тинчланиши одатий ҳол. Энди пичир-пичирлар, хингиллаган товушлар эшитиларди. Мен онамнинг йиғиси, деворга отилган

чойнак овози ва дадамнинг бақриқ товуши остида эзғиланаётган бир вақтда бу ердаги ғийбатларни тинглай олмадим. Дарс бошланди. Ҳозир журналдан ўқитувчи мени чақиради.

Чунки баҳоларим йўқ, бори ҳам «2», «3». Ўқишни, ҳатто шу синфхонага киришни ёмон кўраман. Қушга айланиб қолсаму, узоқларга учиб кетсам. Қишлоққа, бузимниқига боргим келаяпти. У ерда “Тошкентдан меҳмон келди”, деб мени эркалашади. Тенгдошларим билан эртаю, кеч ўйнаймиз. Мени доим ўйинда сардор қилиб қўйишади. У ерда мактаб, жанжал-тўполон йўқ. У ерда меҳрибон, меҳмондўст одамлар кўп... «Акмалова...», ўқитувчим биринчи бўлиб мени чақирди.

– Хўш, шеър ёдладингми?

Кўлларим қалтираши ҳали ҳам кетмагани. Бу ҳатто устозимга ҳам сезилди:

– Мунча қалтирайсан? Яна дарс қилмадингми? Унда бурчакка ўтиб, шеърингни ёдла, айтиб бергач ўтирасан!

Кўркув янада кучайди. Йиғлагим келди, бироқ ўқитувчидан кўрқиб жим бўлдим. Бурчакда кўзларимни «Алифбе»га тикиб тураман, бироқ ўқий олмайман. Ҳарфлар борган сари бегоналашади, уларни эсдан чиқариб қўйгандайман. Совқотишни бошладим. Этигимдан кирган сув янада кўпайгандек, тиззаларимгача ботгандек туюлади. Буларнинг барида дадамни айблаб олардим, холос. Хонада баланд кулги кўтарилди. Турли чақириклардан хаёлим жамланди. Нима учун кулишаётганига қизиқдим. Кимдир яна менга тааллуқли кулгили гап айтгандирда... Ерга қарадим. Оёғим атрофи ҳўл, колготкаларимгача шилта. Совқотганимдан буни сезмаганман ҳам. Ердан бошимни кўтара олмай тураман. Устозим бир қизни опамнинг олдида юборди. Опам мени деб синфдошлари олдида мазах бўлди. У келганида бўйнидан кучиб йиғлагим, мени олиб кетишини ёлвориб сўрагим келди, лекин ҳар нарсадан тийила олишни аввалдан ўрганганман. Хоҳлаган ширинлигимни олишдан тийилиш, хоҳлаганимда йиғлашдан тийилиш... Опам 6, 7 ёшли болакайлар олдида полни артиб олиб, китобларимни йиғишга тушди. Хонадан отилиб чиқдию, ташқари дераза ёнида оппоқ қорга қараб, нималардандир норози бўлиб, унсиз йиғлади. Беш ёшли қизалоқнинг ўзидан катта синфдошларига кулги бўлгани, опасининг эса неча ёш кичик болакайлар олдида уятга қолгани бутун умр ёдида қолди, қанча қор, ёмғир, куёшнинг қайноқ тафти ҳам буни ювиб, куйдириб ўчира олмади...

«Ота» сўзини мактаб шундай таърифлаб ўқитган: “У сенинг қалқонинг, қаҳрамонинг. Усиз оила бутун бўлмас. У ўзи емай едирувчи, ўзи киймай кийдирувчи. Дастурхон атрофида йиғилганда, биринчи дадангиз бошлаб беришини кутинг...”. Бу сўзнинг таърифи менга афсонадек эшитиларди. У ҳақидаги ҳикоялар, воқеаларни ўзимнинг дадам билан солиштириб кўрардим ва бу эртак деган қараш билан улғайдим. Яқин-яқингача «Дада» дейишса, даҳшатга тушардим. Кўз олдимда ёвуз, қаҳри қаттиқ, пиёниста гавдаланарди, токи отам жигар хасталиги билан вафот этмагунича.

Опам ҳам, мен ҳам уларни кечирдик. Шундан сўнггина ҳаётимизга рўшнолик кириб келди. Ҳозир опам докторлик диссертациясини ёқлаяпти, уч фарзанди ва суюкли турмуш ўртоғи бор. Мен эса магистратурага кириш ҳаракатидаман ва яқин кунларда ўша «эртакнамо», тўла-тўқис бахтли оиланинг аъзоси бўламан. Онамга келсак, улар ҳали ҳам ўша мактабда дарс беради.

Баъзи-баъзида кўзларимни юмиб ортга қайтаман, ўша кичкинтой, «Алифбе»сидаги шеърини ёд ололмаган қизни маҳкам кучиб, “дадангдан хафа бўлма, уни кечир”, дейман.

Равшана КАРИМОВА

ХИТОЙ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Жорий йилнинг 8 январь куни Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт ҳокими в.б. Шавкат Умурзаков Хитой Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Ю Жун билан учрашди.

Меҳмонни самимий қарши олган Ш.Умурзаков мамлакатларимизни нафақат тарихий, балки дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар муносабатларга доир муштарак замонавий қарашлар боғлаб туришини таъкидлади. У ташриф учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда ва айниқса, Тошкентда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳам маҳаллий, ҳам хорижий компаниялар учун қулай сармоявий ва ишбилармонлик муҳити яратилганини таъкидлади. Шунингдек, ҳозирда Хитой компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар билан бир қаторда истиқболли лойиҳаларни ҳам муҳокама қилиш вақти келганини айтди. У Хитойнинг фармацевтика, инфратузилмани ривожлантириш, қурилиш, мебель ишлаб чиқариш соҳаларидаги лойиҳа ва корхоналардаги иштирокини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Бунга жавобан жаноб Ю Жун қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон ўзини барча соҳаларда, жумладан, сиёсат, дипломатия ва бизнесда ишончга муносиб ҳамкор сифатида намоён этганини таъкидлади. У шунингдек, дипломатик корпус учун яратилган шарт-шароитлар учун миннатдорлик билдириб, халқаро муносабатлардаги ўхшаш позицияларни қайд этди, шунингдек, Хитой томони нафақат савдо-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликни, балки маданият, таълим, тажриба алмашиш ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Учрашув якунида томонлар Тошкент шаҳри ва ХХР ҳудудлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида мулоқотни давом эттиришга келишиб олдилар.

ТОШКЕНТ ЦИРКИ БИНОСИ ТАЪМИРЛАНАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 январь куни Тошкент давлат цирки биносини таъмирлаш режалари билан танишди, дея хабар қилди давлат раҳбари матбуот хизмати.

Шавкат Мирзиёев 22 декабрь куни бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида цирк фаолиятини такомиллаштириш масаласини кўтаргани.

Тақдимот давомида цирк биносини реконструкция қилиш, шунингдек, таълим ва амалиётни уйғунлаштириш мақсадида 300 ўринли ўқув биносини қуриш режалари муҳокама қилинди.

Маълумотларга кўра, цирк ёнида ўқув биносини жойлаштириш учун иккита жой кўриб чиқилмоқда. Объектнинг майдони 2650 квадрат метрни ташкил қилади, ётоқхона сигими 100 кишига мўлжалланган. Лойиҳа қиймати 15 миллиард сўмга баҳоланмоқда.

Маълумки, 2019–2020 йилларда Тошкент циркида

капитал реконструкция ишлари амалга оширилганди. Реконструкция бюджети 46,63 миллиард сўмга баҳоланган эди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА «ИНСОН» ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР МАРКАЗЛАРИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ



Президент фармонида биноан, 2024 йил 1 январдан бошлаб бир қатор ижтимоий тўловлар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфига ўтказилди.

Эндиликда ижтимоий тўловлар учун ариза бериш, уларни кўриб чиқиш, тайинлаш ва тўлаш билан боғлиқ барча саволларга туман ёки шаҳарлардаги «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари жавоб беради.

Қуйида Тошкент шаҳридаги туман «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларининг манзиллари ва телефон рақамлари:

Бектемир тумани: Сувсоз кўчаси, 75-уй, +99895-560-47-07.

Миробод тумани: Амир Темурали кўчаси, 17-уй, +99895-501-47-07.

Мирзо Улуғбек тумани: Я.Фулмонов кўчаси, 38-уй, +99895-502-47-07.

Олмазор тумани: Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 1-уй, +99895-503-47-07.

Сергели тумани: Обиҳаёт кўчаси, 3А-уй, +99895-506-47-07.

Учтепа тумани: Фарҳод кўчаси, 21-уй, +99895-508-47-07.

Чилонзор тумани: Нурхон кўчаси, 21-уй, +99895-509-47-07.

Шайхонтоҳур тумани: Бешёғоч мавзеси, 1-уй, +99895-511-47-07.

Юнусобод тумани: Осиё кўчаси, 4А-уй, +99895-513-47-07.

Яккасарой тумани: Ўрикзор 2-тор кўчаси, 45-уй, +99895-514-47-07.

Яшнобод тумани: Авиасозлар кўчаси, 7Б-уй, +99895-512-47-07.

Янгиҳаёт тумани: Қўрғонтепа кўчаси, 24-уй, +99895-515-47-07.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

ТОШКЕНТДАГИ «АРЗОН ДОРИХОНА»ГА ТЕГИШЛИ ЛИЦЕНЗИЯ БЕКОР ҚИЛИНДИ



Тошкент шаҳридаги «Арзон Дорихона» МЧЖга берилган лицензия бекор қилинди, дея хабар қилди Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш бошқармаси.

Маълум қилинишича, Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш бошқармаси мутахассислари томонидан фуқаро мурожаати асосида Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 26Б-уй манзилида жойлашган «Арзон Дорихона» МЧЖга тегишли дорихонада текширув ўтказилган. Таҳлиллар натижасига кўра, 25 турдаги дори воситаси тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат рўйхатидан ўтмагани ҳамда ушбу дори воситаларининг мувофиқлик сертификати мавжуд

эмаслиги аниқланган.

Юқоридаги ҳолат бўйича «Арзон Дорихона» МЧЖга дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолияти учун 2020 йил 9 сентябрь куни берилган 1010-сонли лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги марказининг Тошкент туманлараро иқтисодий судига киритган даъво аризаси суднинг тегишли ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилди ҳамда «Арзон Дорихона» МЧЖга берилган лицензия бекор қилинди.

Маълумот учун, «Доривоситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини харид қилиш, чакана реализация қилиш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

ТОШКЕНТ ҲАВОСИ БИР МУДДАТ «НОСОҒЛОМ» ДАРАЖАНИ КЎРСАТДИ

10 январь куни тонгда Тошкент шаҳрида ҳаво сифати РМ 2,5 заррачалари миқдори бўйича «носоғлом» даражани кўрсатди. АҚШ элчихонасида жойлашган ҳаво сифатини аниқловчи датчик эса сешанбадан буён техник жиҳатдан носоз ҳолатда турибди.

10 январь куни соат 9–10 ҳолатига кўра, Тошкент шаҳрида ҳаво сифати РМ 2,5 заррачалари миқдори бўйича «носоғлом» даражада, деб хабар берди Ўзгидромет иккита автоматик мониторинг станцияси маълумотларига асосланиб.

Датчик кўрсаткичлари Юнусобод туманидаги Ўзгидромет ҳудудида 56 мкг/м³ (ЖССТ тавсияси — 5 мкг/м³), Чилонзор туманидаги Халқлар дўстлиги майдонида 59 мкг/м³ ни кўрсатди.

ТОШКЕНТДА «ЖИГУЛИ» ЁНИБ КЕТДИ



Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида «ВАЗ-2107» ёниб кетди, дея хабар қилди пойтахт ИИББ.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йил 10 январь куни соат 09:46 ларда, Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур тумани, «Ўқчи» МФЙ, Б.Зокиров кўчаси, 2-уй олдида тўхтаб турган, фуқаро Д.С.га тегишли «ВАЗ-2107» русумли автомобилда электр симларида қисқа туташув оқибатида ёнғин юзага келган.

Ёнғин ўт ўчирувчилар томонидан бартараф этилган. Тан жароҳат олганлар йўқ.

Ҳодиса юзасидан ЙҲХБ ҳамда ФВБ ходимлари томонидан суриштирув ишлари бошлангани қайд этилди.

E'LON

"Mikrokreditbank" aksiyadorlik-tijorat banki Kuzatuv kengashining 2023-yil 6-maydagi 29-sonli majlis bayoniga asosan bankni yagona bank kodiga (MFO:00433ga) o'tkazish va shu munosabat bilan uning filiallarini yopish (tugatish) to'g'risidagi 1-bandiga asosan bankning Toshkent shahar, Yakkasaroy tumani, Kichik halqa yo'li ko'chasi, 3-uy (pochta indeksi 100121) manzilida joylashgan Amaliyot bo'limi tugatilib, o'rinda "Nurafshon" bank xizmatlari ofisi (BXO) tashkil etilayotganligini ma'lum qilamiz.

Toshkent viloyati IIBB tomonidan 2018-yil 18-avgustda Djamolov Botir Janasovich nomiga berilgan 14583-sonli nafaqaxo'rlik guvohnomasi (pensionnoye udostvereniye) yo'qolganligi sababli

BEKOR QILINADI.

TOSHKENT OQSHOMI МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ	Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Истиклол, 51	Телефонлар: Кабулхона (71) 233 61 10 Реклама (71) 233 28 95	2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-001-рақами билан рўйхатга олинган	"Niso nashriyot va matbaa uyi" bosmaxonasida chop etiladi.	Нашр учун масъул З. НАЗАРОВ	Нашр кўрсаткичи 563	Топшириш вақти 00:55 Топшириш вақти 05:00 Буюртма -	
	Бош муҳаррир Севдо НИЁЗОВА	Тахририятга келган қўлёмлар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Газетада босилган мақолалар учун муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқ қилиши мумкин. "Тошкент оқшоми" материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.	Манзил: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани, "Машъал" МФЙ, 1-уй.	Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. Адади 500 нусха, қозғ бичими А3	Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди			